

**ЎЗБЕКИСТОНДА МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ПЕДАГОГИКА  
ФАНИ ВА ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ФИКРЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИ**

*Сайфуллаев Абдирайим Нарзиллаевич*

*Осиё халқаро университети педагогика,  
психология юналиши магистри*

**Аннотация:** Мазкур мақолада мустақиллик йилларида педагог кадрларни тайёрлашнинг янги тизими ишлаб чиқилиб, узлуксиз таълимда ўқитиш сифати ва самарадорлигини бўлажак ўқитувчиларнинг касбий, маънавий-ахлоқий тайёргарлиги белгилаб бериши ҳақидаги шу билан бирга малакали педагогларни тайёрлашда педагогик ва нопедагогик олий таълим муассасалари талабаларини педагогик билимлар билан қуроллантириш, уларни ёш авлодни тарбиялаш, унга таълим бериш жараёни ҳақида сўз боради.

**Калит сўзлар:** педагог, техника, технология, инновацион, дидактик, мотивация, методология, механизм, демографик, компетенция, дидактик, интеграция, фундаментал, концептуал.

**РАЗВИТИЕ ИДЕЙ В ОБЛАСТИ ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ НАУКИ И  
ОБРАЗОВАНИЯ В ГОДЫ НЕЗАВИСИМОСТИ В УЗБЕКИСТАНЕ**

*Сайфуллаев Абдирайим Нарзиллаевич*

*Степень магистра педагогики, психологии, Азиатский  
международный университет.*

**Аннотация:** В данной статье в годы независимости разработана новая система подготовки педагогических кадров, качество и эффективность обучения в непрерывном образовании определяются профессиональной, духовно-нравственной подготовкой будущих учителей, и в то же время В настоящее время необходимо вооружить студентов педагогических и непедагогических вузов педагогическими знаниями при подготовке квалифицированных педагогов, речь идет о процессе воспитания молодого поколения.

**Ключевые слова:** педагог, методика, технология, инновационный, дидактический, мотивация, методология, механизм, демографический, компетентность, дидактический, интеграционный, фундаментальный, концептуальный.

---

DEVELOPMENT OF IDEAS IN THE FIELD OF PEDAGOGICAL  
SCIENCE AND EDUCATION DURING THE YEARS OF  
INDEPENDENCE IN UZBEKISTAN

*Sayfullaev Abdiraim Narzillaevich*  
*Master's degree in pedagogy, psychology, Asian International*  
*University.*

**Abstract:** In this article, during the years of independence, a new system for training teaching staff has been developed; the quality and effectiveness of teaching in lifelong education are determined by the professional, spiritual and moral training of future teachers, and at the same time. Currently, it is necessary to equip students of pedagogical and non-teaching universities with pedagogical knowledge in training of qualified teachers, we are talking about the process of educating the younger generation.

**Key words:** teacher, methodology, technology, innovative, didactic, motivation, methodology, mechanism, demographic, competence, didactic, integration, fundamental, conceptual.

Ўзбекистонда мустақиллик йиллари том маънода таълимий инқилоб даври бўлди. Зеро, ёш, мустақил республика томонидан таълим соҳасини тубдан ислох қилиш, ҳар жиҳатдан мукаммал таълим тизимини шакллантириш, таълим мазмунини янгилаш, уни замонавий илм-фан, техника ва технологияларнинг сўнгги ютуқлари билан бойитиш, шахсга тарбия бериш, уни ўқитиш борасида халқаро тажрибани қўллаш, соҳада тайёрланаётган мутахассисларни жаҳон таълими меъёрларига жавоб бера олишларини таъминлаш йўлида амалга оширилаётган амалий ишларнинг кўлами шунчалик кенгки, бу ўз-ўзидан инқилобий ҳаракатларга тенглашади [1].

Мустақиллик йилларида педагог кадрларни тайёрлашнинг янги тизими ишлаб чиқилиб, узлуксиз таълимда ўқитиш сифати ва самарадорлигини бўлажак ўқитувчиларнинг касбий, маънавий-ахлоқий тайёргарлиги белгилаб бериши ҳақидаги қатъий хулосага келинди. Талабаларда маънавий маданиятни ривожлантириш механизмларини жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш асосида такомиллаштириш Ўзбекистон Республикасини янада

**ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида муҳим ўрин эгаллайди [2].**

Жаҳоннинг етакчи давлатларида таълимни ривожлантириш биринчи галдаги вазифа сифатида белгиланиши ҳам бежизга эмас. Зеро, таълимсиз, илмсиз тараққиёт йўқ, ривожланиш йўқ. Янги Ўзбекистон учун янги педагогикага эҳтиёж ҳар қачонгидан юқори. Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида амалга оширилаётган ислохотлар, биринчи навбатда, демографик жараёнлар ва урбанизацияни, башарият тафаккури ҳамда халқимизнинг ўсаётган сиёсий дунёқараши, онги ва маданияти, умумхалқ манфаати чуқур ўйланган ҳолда амалга оширилмоқда. Бу йил мамлакатимиз мустақиллигининг 31 йиллик санасини нишонладик. Тарих учун ўттиз бир йил арзимас, албатта, лекин бу жамият тараққиёти учун анча салмоқли муддат ҳисобланади. Шу йиллар давомида нималарга эришдик, қандай ютуқларни қўлга киритдик, деган саволлар ҳаммани қизиқтиради [3]. Бошқарувининг дастлабки кунлариданоқ Президентимиз таълимдаги камчиликларни танқидий таҳлил қилиб, уни бартараф этиш йўллари кўрсатиб берди. Таълим тизимини ривожлантириш, педагогларнинг малакаси ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш, маънавий - маърифий муҳитни замон талабига мослаш, ўқитувчи касбининг, нуфузини ошириш, янги давр педагогларини тарбиялаш, педагогика фанини ривожлантириш, инновацион таълим ва ахбороткоммуникация технологияларини таълимга жорий этишга катта эътибор қаратиш масалаларига жиддий ёндашиш ва шу билан бирга, ўқитувчилар ойлигини ошириш ва рағбатлантириб бориш зарурлигини кўрсатди, бу масалаларда катта ишлар амалга оширилди. Амалга оширилаётган ислохотларнинг, аввало, мактабгача таълим ва тарбия соҳасидан бошланиши глобаллашув жараёнида болалар тарбиясида энг асосий бўғин ҳисобланган мактабгача таълим тизимининг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти беқиёслигини назарда тутди [4].

Малакали педагогларни тайёрлашда педагогик ва нопедагогик олий таълим муассасалари талабаларини педагогик билимлар билан қуроллантириш, уларни ёш авлодни тарбиялаш, унга таълим бериш жараёнига касбий нуқтаи назардан йўналтириш катта масъулиятни тақозо этади. Бу жараёнда олий таълиммуассасаларида фаолият юритаётган педагогларнинг касбий маҳоратга эгаликлари қанчалик аҳамиятли бўлса, улар фаолиятини методик асословчи ўқув манбаларининг мавжудлиги ҳам шунчалик муҳимдир. Ушбу талабни инобатга олган ҳолда мустақиллик йилларида олий таълим тизимида ҳам ўқув адабиётларнинг янги авлодини яратиш умумий педагогик фаолиятнинг муҳим йўналиши этиб белгиланди. Замонавий ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш мураккаб,

масъулиятли жараён бўлиб, унда педагогика соҳасида рўй бераётган ўзгаришлар, комил инсон, малакали мутахассисни тайёрлаш борасидаги ижтимоий эҳтиёж ҳамда шахс камолотида муҳим аҳамият касб этадиган устувор тамойилларни инobatга олиш мақсадга мувофиқдир. Нопедагогик йўналишда фаолият кўрсатувчи олий таълим муассасалари учун мўлжалланган мазкур дарсликда ана шу жиҳатларни тўла қамраб олишга алоҳида эътибор қаратилган [5].

Ҳозирги даврда педагогика фани педагогик маданиятни ривожлантириш, уларда янгича тафаккурни таркиб топтириш, умумий касб тайёргарлигини таъминлашга йўналтирилган. Педагогика назарияси ва тарихидан педагогик маълумотга эга ҳар бир талабгор, қайси фан мутахассиси бўлиб етишишидан қатъий назар ўқув-тарбиявий фаолиятни муваффақиятли олиб бориши учун зарур бўлган педагогик билимлар ва кўникмаларнинг умумий ҳажмини, умумкасбий ва шахсга йўналтирилган таълим талабларини билишлари лозим [6]. Педагогика тарихи талабгорнинг умумпедагогик билим даражасини, педагогик меросимизга ҳурмат билан муносабатда бўлишини аниқлайди. Таълим ва тарбия назарияси ва амалиёти, тарбия ва таълим, унинг ривожланиш жараёни жамиятнинг ижтимоийқисодий ривожланиши ва ҳар бир тарихий босқичда илмий билимлар даражаси билан боғлиқлиги тўғрисида аниқ тасаввур ҳосил қилади. Бунда маориф ва педагогиканинг ижтимоий тараққиёт талабига жавоб берганлиги, илмий тараққиёт бир бутун тарбия назарияси ва амалиёт экани ҳисобга олинган. Таълим амалиёти, шунингдек, таълимдаги ютуқларнинг муҳимлиги ҳам назарда тутилади. У ёки бу педагогик концепциялар, таълимотларни тавсифлаганда шу таълимотлар ижодкорининг ҳаёти ва фаолиятидаги энг муҳим воқеаларни асос қилиб олиш назарда тутилган [7].

Дастур маориф ва педагогика тарихини кишилик жамиятининг тараққиёти тарихи билан узвий алоқада баён этишга мўлжалланган. Педагогик фикр ривожланишини изчил ўрганиш бўлғуси мутахассисларга ҳозирги даврда ўтмишнинг илғор педагогикасининг узвий давоми эканлигини кўрсатиш келажак маориф ва педагогика тараққиёти йўналишларини англаб олишга ёрдам беради [8].

—Таълим тўғрисида. Қонун ва —Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг касбий таълимида тутган ўрни. Ўзбекистон Республикасида кадрлар тайёрлашнинг миллий модели ва унинг асосий таркибий қисмлари[8].:

—□шахс-кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчи;

–□ давлат ва жамият-давлат ва кадрлар тайёрлаш тизимининг фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни амалга оширади ҳамда фуқароларнинг ўрта умумий таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими, олий таълим, олий ўқув юртидан кейинги таълим турларини олиш ҳуқуқини кафолатлайди;

–□ узлуксиз таълим ва унинг фаолият кўрсатиш принциплари таълимнинг устуворлиги, таълимнинг демократлашуви, таълимнинг ижтимоийлашуви, таълимнинг миллий йўналтирилганлиги, таълим ва тарбиянинг узвий боғлиқлиги, ҳар томонлама комил инсонни шакллантиришга йўналтирилганлиги, иқтидорли ёшларни аниқлаш;

–□ узлуксиз таълим тизими ва турлари; мактабгача таълим, умумий таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими, олий таълим, олий ўқув юртидан кейинги таълим, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш, мактабдан ташқари таълим;

–□ фан-табиат ва жамият тараққиёти ҳақидаги янги фундаментал ва тадқиқий билимларни шакллантириш, юқори малакали илмий ва педагогик кадрлар тайёрлаш соҳаси сифатида;

–□ ишлаб чиқариш–кадрларга бўлган эҳтиёжни, шунингдек, уларнинг тайёргарлик сифати ва савиясига нисбатан қўйиладиган талабларни белгиловчи асосий буюртмачи, кадрлар тайёрлаш тизимини молия ва моддий-техника жиҳатдан таъминлаш жараёнининг қатнашчиси.

Ўқув жараёнининг мақсади ташхисли равишда аниқ, равшан белгиланмоғи лозим. Таълим мақсадининг бундай белгиланиши маълум, амал қилинган вақтда дидактик жараённи ташкил қилиш ва амалга оширилиш даражаси юзасидан хулоса чиқариш имкониятини яратади.

#### **Фойдаланилган адабиёт ва манбалар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни // Ўқувчи маънавиятини шакллантириш. – Тошкент: “Ma’rifat-Madadkor”, 2000. – 7-б.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури // Ўқувчи маънавиятини шакллантириш / Нашр учун масъул: Ж.Ғ.Йўлдошев. Тузувчилар Ж.Фозилов, Р.Султонов., Ҳ.Саидов. – Тошкент: “Ma’rifat Madadkor”, 2000. – 46-52-б.
3. Каримов И.А. Буюк келажакимизнинг ҳуқуқий кафолати. – Тошкент: Шарқ нашриёт-матбаа концерни Бош таҳририяти, 1993. – 27-28-б.
4. Очилов М., Янги педагогик технологиялар. – Қарши: “Насаф” нашриёти. 2000. – 79-б.
5. Pedagogika / Bakalavriat yo’nalishi uchun darslik. Prof. M.X.Toxtaxodjayevaning umumiy tahriri ostida. – Toshkent: “O’zbekiston faylasuflari milliy jamiyati” nashriyoti, 2010. – 400 b

6. Тураев С.Ж. [Solution of problems on subject physics with the help of borland.](#)  
Инновации в технологиях и образовании. 2018 г.258-259 с
7. Turaev S.J. (2019) “[Methods of using the programming language in preparing students for research activities](#)” Scientific and Technical Journal of Namangan Institute of Engineering and Technology: 2020. –P. 294-299.
8. Одилов Ё.Ж. [Informatsionno-kommunikatsionniye texnologii \(ikt\) v obrazovanii. Ikt kompetentnost v professionalnom razvitii kadrov](#) // Scienceweb academic papers collection. ISSUE 9. ISSN 2181-1784. Scientific Journal Impact Factor. – Тошкент, 2019/1/1. 436-441.
9. Одилов Ё.Ж. [Methods of preparing students for professional activity on the basis of teaching physics](#) // O‘zbekiston Milliy Universiteti Xabarlari. 2022,[1/11] ISSN 2181-7324

